

КЎП ОМИЛЛИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИ МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Тохиров Жавлон Рахимович –
Бухоро давлат университети докторанти

Аннотация: Ушбу мақола кўп омилли эконометрик моделлар асосида таълим хизматлари бозори ривожланиши мақсадли кўрсаткичларини шакллантириш масалаларига бағишланган. Таълим хизматларининг умумий ҳажми ўзгаришига таълим соҳасида бандлар сони, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадлар ҳажми каби омиллар таъсирини ифодаловчи узоқ муддатли ўзгариш қонуниятлари асосида 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Таълим, таълим хизматлари бозори, эконометрик модел, Фишер мезони, Акиакейк ахборот мезони, Шварц мезони, Ханнан-Куин мезони, Дарбин-Уотсон мезони.

ФОРМИРОВАНИЕ ЦЕЛЕВЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ РЫНКА ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ НА ОСНОВЕ МНОГОФАКЦИОННЫХ ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ

Тохиров Джавлон Рахимович –
докторант Бухарского государственного университета

Аннотация: Данная статья посвящена формированию целей развития рынка образовательных услуг на основе многофакторных эконометрических моделей. Прогнозы на период до 2025 года основаны на законах долгосрочных изменений, отражающих влияние таких факторов, как количество занятых в сфере образования, объем инвестиций в основной капитал и реальный доход на душу населения.

Ключевые слова: Образование, рынок образовательных услуг, эконометрическая модель, критерий Фишера, информационный критерий Акиакэке, критерий Шварца, критерий Ханнана-Куинна, критерий Дарбина-Ватсона.

FORMATION OF TARGET INDICATORS OF THE MARKET OF EDUCATIONAL SERVICES BASED ON MULTI-FACTIONAL ECONOMETRIC MODELS

Tokhirov Javlon Rakhimovich –
doctoral student of Bukhara State University

Abstract: This article is devoted to the formation of goals for the development of the educational services market based on multivariate econometric models. Forecasts for the period up to 2025 are based on the laws of long-term change, reflecting the influence of factors such as the number of people employed in education, the volume of investment in fixed assets and real income per capita.

Keywords: Education, educational services market, econometric model, Fisher criterion, Akiakake information criterion, Schwarz criterion, Hannan-Quinn criterion, Darbin-Watson criterion.

Кириш. Замонавий бозор шароитида республикамиз таълим тизими ўзининг барқарорлиги, мослашувчанлик, ижтимоий ўзгаришларга бардошлилигини намоён қилди. Ўзбекистон аҳолиси деярли мутлақ саводхон бўлган кам сонли ривожланаётган мамлакатлар сирасига киради. БМТ маълумотларида баҳоланишича, Ўзбекистон балоғат ёшидаги аҳолисининг саводхонлик даражаси ҳамда олий ўқув юртларида қабул қилинганларнинг умумий кўрсаткичи инсон салоҳияти ривожланганлик даражаси нафақат ўрта, балки юқори қийматларга эга ривожланган мамлакатларнинг даражасига нисбатан ҳам юқоридир.

Ўзбекистонда таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозорларининг ўзаро боғликлиги, таълим хизматлар бозорининг тузилмаси ва ривожланишининг асосий тенденциялари, меҳнат бозори ҳолати ва унинг сўнгги йиллардаги динамикаси, олий таълимга бўлган ёшларнинг эҳтиёжи масалалари бўйича ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳамда статистик маълумот-

лар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва тенденциялари билан тавсифланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва ислоҳ этишни ҳозирги ривожланиш шароитида кадрлар тайёрлашнинг илмий модели "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"дан иборат қонунларни қабул қилиш ва жорий этишга эришилди. "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарорга мувофиқ – "... Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар турар-жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқув-

лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Эконометрик моделларни ўрганиш, хусусан, кўп омилли эконометрик моделлар асосида таълим хизматлари бозори ривожланиши бўйича хорижий ва республикамиз олимлари илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Уларга, В.Н.Афанасьев, М.И.Юзбашев[1], М.И.Баканов, А.Д.Шеремет [2], И.И.Елисеева, С.В.Курышева, Т.В.Костеева[4], Новиков А.И.[5], Т.Ш.Шодиев[10], М.Қ.Пардаев [7,9], М.Қ.Пардаев, Қ.Х.Абдурахманов, М.А.Маҳкамова, О.М.Пардаев, С.А.Бабаназарова[8], Б.Б.Беркинов[3], Нуреев Р.М.[6] киради.

Тадқиқот методологияси. Мақолада абстракция, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, статистик таҳлил, анкета сўрови, эксперт баҳолаш усули, иқтисодий-математик усуллар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, қонун ҳамда тадқиқот мавзусига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар бўлиб ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Таълим хизматлари бозорини ривожланишини таҳлил этиш ва мақсадли кўрсаткичларини шакллантиришда ривожланган мамлакатларда кўп омилли эконометрик моделлардан фойдаланилади. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида мамлакат ҳудудларида таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг миқдорий ҳамда сифат жиҳатларини акс эттирувчи асосий таъсир этувчи омилларни ажратиш олиш мақсадида анкета сўрови натижаларига асосланган эксперт ҳулосаси усулларидан фойдаланилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда таълим хизматлари бозорини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларнинг муҳимлилик даражасини ҳамда соҳага тегишли бўлган субъектлар – таълим хизматларини яратувчи муассасалар ходимлари ва хизматлар истеъмолчиларининг соҳадаги ўзгариш истиқболларига муносабатини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳри, Бухоро ва Хоразм вилоятларида анкета сўровномаси ўтказилди.

Сўровномада иштирок этган респондентлар – таълим хизматлари истеъмолчи (660 нафар)ларининг 68,2 % (450 нафар) бугунги кунда уларга тақдим этилаётган таълим хизматлари ҳажми ва сифати қониқтиришини (15,7 % қониқмаслигини ва 16,1 % жавоб беришга қийналишини), 49,2 % (325 нафар) респондент томонидан хизмат кўрсатишнинг масофавий шаклини (30,6 % юзма-юз шаклини, 20,2 % аралаш шаклини) афзал кўришларини, 56,1 % (370 нафар) кўрсатилаётган хизматларнинг баҳоси

уларнинг хусусиятларига мос эмаслигини, яъни таълим хизматлари баҳосининг юқорилигини (37,3 % баҳолаш хизмат хусусиятларига мослигини, 8,3 % баҳолашни ошириш лозимлигини) таъкидлашган.

Сўровномада иштирок этган респондент (150 нафар) ларнинг 85,3 % (127 нафар) ўз фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланишга тайёрлигини билдириб, уларнинг 94 % (141 нафар) кўрсатилаётган таълим хизмати турлари рақобатбардошлигини муассасаларда рақамли технологиялар асосида амалга оширилаётган инновацион фаолият белгилашини таъкидлаб ўтишган.

Анкета сўровномасига жалб этилган респондентларнинг 81,3 % (122 нафар) фаолиятни рақамлаштириш жараёнларини режалаштиришни яхлит ҳолда ташкил этилиши лозимлигини кўрсатиб ўтишган. Респондентларнинг 36 %и (54 нафар) рақамли технологияларни фаолиятнинг ташкилий-бошқарув жараёнларига, 32 % (48 нафар) бевосита таълим хизмати кўрсатиш жараёнларига, қолган 32 % (48 нафар) рақамли технологияларни ҳар икки жараёнга баравар жорий этилишини муҳим деб ҳисоблаганлар. Респондентларнинг 98 % (147 нафар) таълим хизматлари соҳасида яхлит рақамли платформа асосланган тизимни шакллантириш лозим деб ҳисоблайдилар.

Таълим хизматлари жараёнларини рақамли асосда ташкил этишга таъсир этадиган омилларни муҳимлилик даражаси бўйича белгилаб олиш мақсадида Тошкент шаҳри, Бухоро ва Хоразм вилоятидаги таълим хизматларини кўрсатувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳани рақамлаштиришга алоқадор илмий-тадқиқот муассасаларининг етакчи мутахассислари фикри стандарт баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда эксперт баҳолаш шаклида ўрганиб чиқилди.

Экспертларнинг ҳулосаларини баҳолаш асосида бугунги кунда таълим хизматлари соҳасини рақамли технологиялар асосида ривожлантиришга бир қатор муҳим омиллар ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиб келаётганлиги аниқланди. Экспертлар ҳулосасига кўра таълим хизматлари соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш учун мавжуд шароитлар ҳамда соҳани давлат томонидан тартибга солиш мавжуд тизимининг соҳадаги ўзгаришларга ижобий таъсири даражаси 100 фоизли баҳолаш тизимида 78 ва 59 фоизни ташкил этади.

Истиқболда таълим хизматлари соҳасида рақамли платформаларга асосланувчи тизимнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этувчи шарт-шароитлар ва омиллар сифатида экспертлар томонидан рақамли платформалар асосидаги комплекс тизимни яратилиши (91 фоиз) ва таълим хизматлари соҳасида рақобат муҳи-

тини шакллантиришни давлат томонидан тартибга солиш механизмларининг яратилиши (79 фоиз) кўрсатилган.

Умумий ҳолатда, экспертлар томонидан таълим хизматлари соҳасининг рақамли технологиялар асосида ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар сифатида экспертлар томонидан фаолият кўрсатувчи функционал тизимлар доирасида рақамли технологияларга асосланган янгиликлар ва фаолиятни мақсадли молиялаштиришнинг мавжуд эмаслиги (54 фоиз) белгиланган. Юқоридагилар билан бирга, экспертлар ахборот маконининг барча истеъмолчиларни қамраб олиш кўламининг пастлиги (72 фоиз), рақамли технологияларни таълим хизматлари соҳаси амалиётига кириб боришини таъминловчи инфратузилма тизимининг етарли даражада шаклланиши (75 фоиз), таълим хизматлари соҳасидаги рақамлашув жараёнларини ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчилик имкониятларидан фойдаланишнинг чегараланганлиги (60 фоиз) ва таълим хизматлари соҳасига инвестициялар жалб этилиш даражасининг реал сектор тармоқларига нисбатан пастлиги (80 фоиз) белгиланган.

Экспертларнинг хулосалари асосида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра таълим

хизматлари соҳасида рақамли технологияларга асосланган фаолиятни жорий этишнинг энг муҳим индикаторлари сифатида рақамли платформалар асосидаги комплекс тизимини яратилиши, таълим хизматлари соҳасига инвестициялар жалб этилиш даражаси, соҳада рақобат муҳитини шакллантиришни давлат томонидан тартибга солиш механизмларининг яратилиши, хусусан, давлат хусусий шериклик механизмнинг жорий этилиши, соҳада рақобат муҳитини ривожлантириш учун мавжуд шароитлар, рақамли технологияларни таълим хизматлари соҳаси амалиётига кириб боришини таъминловчи инфратузилма тизимининг етарли даражада шаклланиши каби кўрсаткичларни белгилаш тавсия этилади.

Мамлакатмизда таълим хизматлари бозоридаги асосий кўрсаткичлар динамикасини моделлаштириш соҳада юз бераётган тенденциялар, трендлар ва вақтли қаторлар каби моделлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Тадқиқот жараёнида таълим хизматлари соҳасининг айрим кўрсаткичларини 2011-2020 йиллар давомидаги ўзгариш тенденциялари таҳлили амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

Таълим хизматлари соҳаси томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари (млрд.сўм)

Йиллар	Таълим хизматлари умумий ҳажми, млрд. сўм (Y)	Таълим соҳасида бандлар сони, минг киши (X ₁)	Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм (X ₂)	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадлар ҳажми, минг сўм (X ₃)
2011	1027,4	1102,6	19500,0	2264,8
2012	1385,3	1103,3	24455,3	2831,6
2013	1793,0	1104,0	30490,1	3142,1
2014	2154,4	1104,7	37646,2	3601,3
2015	2681,4	1105,3	44810,4	4805,2
2016	3263,0	1105,6	51232,0	5503,5
2017	4402,0	1106,6	72155,2	6227,8
2018	5416,5	1111,7	124231,3	7300,2
2019	7164,9	1134,4	195927,3	9008,4
2020	8539,4	1160,0	202000,1	10385,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Эконометрик моделдаги натижавий омил сифатида танланган таълим хизматлари соҳасида яратилган хизматларнинг умумий ҳажми (Y)га таъсир этувчи экзоген омиллар сифатида таълим соҳасида бандлар сони (x₁), асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (x₂), аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадлар ҳажми (x₃) каби кўрсаткичлар танлаб олинди.

Ажратиб олинган натижавий ва унга таъсир этувчи омилларнинг барчаси 2011-2020 йиллар давомида барқарор ўсиш суръатига эга бўлган. Ажратиб олинган натижавий ва таъсир этувчи омилларнинг боғланиши асосида юз бераётган ўзгариш трендларини аниқлаш мақса-

дида юқоридаги вақтли қатор кўринишидаги маълумотларни EViews10 дастуридан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди (2-жадвал).

Дастурий пакет асосида амалга оширилган таҳлил натижавий омилнинг таъсир этувчи омиллар билан кўпликдаги корреляцияси $r=0,9981$ га, детерминация коэффициенти $R^2=0,9962$ га тенг эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса таъсир этувчи омиллар билан натижавий омилнинг юқори зичликда корреляцияга эга эканлигини ва ҳисобланган кўрсаткичлар билан реал кўрсаткичлар орасидаги фарқ сифатидаги қолдиқларнинг ҳам зич боғланганлигини кўрсатади.

Омилларнинг боғланиш хусусиятлари ва тузилган омилли модел сифатининг асосий кўрсаткичлари

Dependent Variable:	Таълим хизматлари умумий ҳажми, Y				
Method:	Least Squares				
Date:	09/23/21 Time: 20:41				
Sample:	2011 2020				
Included observations:	10				
	Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
	Таълим соҳасида бандлар сони X_1	8.551079	8.194847	1.043470	0.3369
	Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми X_2	0.008933	0.004044	2.209219	0.0692
	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадлар ҳажми X_3	0.658920	0.085809	7.678903	0.0003
	Тасодифий омиллар таъсирини эътиборга олувчи қиймат C	-10087.26	8983.877	1.122818	0.3044
	R-squared	0.996211	Mean dependent var	3782.690	
	Adjusted R-squared	0.994316	S.D. dependent var	2550.586	
	S.E. of regression	192.2889	Akaike info criterion	13.64505	
	Sum squared resid	221850.0	Schwarz criterion	13.76608	
	Log likelihood	-6422524	Hannan-Quinn criter.	13.51227	
	F-statistic	525.8289	Durbin-Watson stat	2.169911	
	Prob(F-statistic)	0.000000			

Манба: Муаллиф томонидан EViews10 дастурида ҳисоблаш асосида ишлаб чиқилган.

Жадвалдаги кўрсаткичлар тузилган эконометрик моделнинг сифат хусусиятлари ҳамда кўрсаткичларнинг боғланиш сифати юқори даражада эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Фишер мезони аҳамияти боғлиқ бўлган VAR, Акиакейк ахборот мезони, Шварц мезони, Ханнан-Куин мезони меъёрий оралиқларда жой-

лашган, фақат Дарбин-Уотсон мезони оптимал оралиқ бўлган 2 дан бир оз катта.

Дастурий пакетдан фойдаланган ҳолда аниқланган тренд моделлари асосида 2021-2025 йилларда таълим хизматлари соҳаси ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари аниқланди (3-жадвал).


Таълим хизматлари умумий ҳажмининг 2021-2025 йилларда ривожланиши прогноз кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Йиллар				
	2021	2022	2023	2024	2025
Таълим хизматлари умумий ҳажми, млрд. сўм	8216,7	9023,5	9830,2	10636,9	11443,7
Таълим соҳасида бандлар сони, минг киши	1139,8	1144,5	1149,2	1153,9	1158,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм	194293,4	215029,5	235765,7	256501,8	277237,9
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадлар ҳажми, минг сўм	10363,7	11246,7	12129,7	13012,7	13895,7

Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таълим хизматлари умумий ҳажмининг ўзгариши (Y) энг юқори таъсир этувчи омилларга боғлиқлиги аниқланди ва ушбу омиллар таъсирида натижавий омилнинг кўрилатган давр-

даги ўзгариш трендлари ± 2 статистик хатолик доирасида EViews10 дастурида ишлаб чиқилди (1-расм).



Forecast:	SER01F
Actual:	SER01
Forecast sample:	2011 2020
Included observations:	10
Root Mean Squared Error	148.9463
Mean Absolute Error	123.5351
Mean Abs. Percent Error	4.003068
Theil Inequality Coefficient	0.016590
Bias Proportion	0.000000
Variance Proportion	0.000949
Covariance Proportion	0.999051
Theil U2 Coefficient	0.230931
Symmetric MAPE	3.985410

1-расм. Вақтли қатор даври чегаралари доирасида кўрсатилган таълим хизматлари умумий ҳажмининг ўзгариш тренди

Манба: Eviews10 дастури асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Аниқланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда таълим хизматлари соҳасида яратилган хизматлар ҳажми унга таъсир этувчи омил-

$$y = 8,552 \cdot x_1 + 0,0089 \cdot x_2 + 0,6589 \cdot x_3 - 10088,5 \quad (1)$$


(1)-регрессия тенгламаси тузилди.

Тузилган моделнинг ишончилиги ва адекватлигини бир неча мезонлар асосида текшириб, натижалар аниқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Аниқланган трендда автокорреляция паст даражадалиги ва бошқа мезонлар бўйича ҳам талабга жавоб берганлигидан юқорида

лар таъсирида ўзгаришини кўп омилли эконометрик модели тузилди. Унга кўра ушбу жараённи ифодаловчи

аниқланган (1)- регрессия тенгламаси ишончли деб топилди ва адекватлиги исботланди.

Кўп омилли эконометрик моделдан фойдаланган ҳолда таълим хизматлари ҳажмининг ўрта муддатда, яъни 2011-2025 йилларда ўзгариши қийматларини графикда кўриниши ифодаланди (2-расм).



2-расм. Таълим хизматлари умумий ҳажмининг 2011-2025 йилларда ўзгариши (2021-2025 йиллар учун прогноз), млрд.сўм

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги омилли боғланишлар асосида биз таълим хизматлари соҳасининг ривожланишида энг муҳим деб топилган кўрсаткичларнинг натижавий кўрсаткич ҳисобланган таълим хизматлари соҳасида яратилган умумий хизматлар ҳажмига таъсири асосидаги ривожланиш сценарийсини ишлаб чиқдик.

Хулоса ва таклифлар. Тузилган моделдаги ўзгарувчилар коэффициентлари асосида ҳар бир омил қийматининг қўшилган бир бирлиги ҳисобига натижавий омил қийматининг қанчага ўзгаришини баҳолашимиз мумкин бўлади. Жумладан, соҳада яратилган қўшимча 1000 кишилик иш ўрни таълим хизматлари умумий ҳажмини 8,552 млрд сўмга, асосий капиталга киритилган қўшимча 1 млрд. сўмлик инвестиция таълим хизматлари умумий ҳажмини 8,9 млн. сўмга, аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадларнинг 1000 сўмга ортиши таълим хизматлари умумий ҳажмини 658,9 млн. сўмга ортишига олиб келса, ҳар учала омил кўрсаткичидан ташқари ҳисобга олинмаган омил-

лар таъсирида таълим хизматлари умумий ҳажми 10088,5 млрд. сўмга пасайишини кўрсатади.

Таълим хизматлари соҳасининг ҳозирги кундаги ривожланиш ҳолатини таркибий жиҳатдан ўрганиб чиқиш, ушбу тизимдаги хизматларни етказиб берувчи муассасаларнинг аксарияти алоҳида-алоҳида ташкил этилганлиги, аниқроқ айтадиган бўлсак, асосий хизматлар атрофида шаклланган хизматлар талабдан келиб чиқиб, уюлмаган ҳолда алоҳида мустақил ва стихияли тарзда шаклланганлигини кўрсатади. Чунки, таълим хизматларини кўрсатувчи муассасалар атрофида шаклланган инфратузилма тизимлари алоҳида, бир-бири билан боғланмаган ва умумий ташкилланмаган тарзда фаолият олиб борувчи тузилмалар кўринишида шаклланган. Бу тузилмалар қувватларининг таълим хизматлари қувватларига боғланмаганлиги, бир томондан, уларнинг қисман ноаниқ бозорга ишлашига олиб келса, иккинчи томондан, мижозларнинг таълим хизматларига бўлган талабининг қондирилишида қутилмаган узилишлар юз бериши хавфи юқори бўлади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Афанасьев В.Н., Юзбашев М.И. Анализ временных рядов и прогнозирование: Учебник. М.: Финансы и статистика, 2001.
2. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. – М.: «Финансы и статистика, 1994.-228с.
3. Беркинов Б.Б. Вопросы моделирования и информатизации управления в агропромышленном комплексе Узбекистана. АН РУз. Доклады республиканской научно-технической конференции. 5-6 сентябрь 2011г.
4. Елисеева И.И., Курышева С.В., Костеева Т.В. и др. Эконометрика: учебник. / Под ред. И.И.Елисеевой.- 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2007.- 339 с.
5. Новиков А.И. Эконометрика. Учебное пособие.- М.: Инфра-М. 2010.-146 с.
6. Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики. – М., 2008. – С.19.
7. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. “Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари”. Монография. – Т.: “Инновацион ривожланиш наشريёт-матбаа уйи”, 2020. – 249 бет.
8. Пардаев М.Қ., Абдурахманов Қ.Х., Маҳкамova М.А., Пардаев О.М., Бабаназарова С.А. Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари. (Монография). – Т.: “Фан ва технология наشريёт-матбаа уйи”, 2021. – 172 бет.
9. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. 2-нашр. - Т.: «Инновацион ривожланиш наشريёт-матбаа уйи», 2021.588 бет.
10. Шодиев Т.Ш., Турсунов А.Т. ва б. Эконометрика: ўқув қўлланма. –Т.: ИПК “Шарқ”, 1999. -240 б.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ МАЗМУНИ

Махмудова Феруза Халилжановна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Инновацион таълим” кафедраси ассистенти

Аннотация. Ушбу мақолада Олий ва касб-хунар таълимини бошқаришда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялашда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, олий таълимда ўқитувчининг инновацион фаолиятини баҳолаш ва уни ўстириш бу борадаги муаммолар ва уни ҳал этиш масалалари кўрилган.

Асосий тушунчалар. Таълим, педагогик технологиялар, илғор ўқитиш услуби, билим, кўникма, малака, модел, таълим жараёни, инновацион усул, таълимнинг самарадорлиги, педагогик тизимлар.

СОДЕРЖАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЯ В ОРГАНИЗАЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Махмудова Феруза Халилжановна -
Ассистент кафедры “Инновационное образование”
Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В статье рассматривается внедрение современных инновационных технологий в управление высшим и профессиональным образованием, реализация единой государственной политики в обучении и воспитании гармонично развитого поколения, оценка и развитие инновационной деятельности преподавателей высшей школы.

Ключевые слова. Образование, педагогические технологии, передовые методы обучения, знания, навыки, квалификации, модели, образовательный процесс, инновационные методы, эффективность обучения, педагогические системы.

THE CONTENT OF THE INNOVATIVE ACTIVITY OF THE TEACHER IN THE ORGANIZATION OF ECONOMIC EDUCATION

Mahmudova Feruza Khaliljanovna -
Assistant of the Department of “Innovative Education”
Tashkent State University of Economics

Annotation. This article discusses the introduction of modern innovative technologies in the management of higher and vocational education, the implementation of a unified state policy in teaching and educating a harmoniously developed generation, the assessment and development of innovative activities of teachers in higher education.

Keywords. Education, pedagogical technologies, advanced teaching methods, knowledge, skills, qualifications, models, educational process, innovative methods, teaching effectiveness, pedagogical systems.

Кириш. Ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш педагогдан ижобий ишлашни талаб этади. Педагог ўзида унга ёрдам берувчи ташқи имкониятлар, яъни, назарий-амалий, ўқув қуроллари ва

воситалари мавжудлиги ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши ҳамда педагог ўзидаги мавжуд маълумотлар ва имкониятлар асосида қаралаётган таълим йўналиши бўйича маълумотлар ва илғор ўқитиш услубларини кўзлаган